

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 02/30.12.2019.К/ФМ/Т.36.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

ПИРНИЯЗОВ ҚУДРАТ ҚАДАМБАЕВИЧ

**АСКОРБАТ ХИТОЗАН *BOMBUX MORI*
СИНТЕЗИ, ХОССАЛАРИ ВА ҚЎЛЛАНИШИ**

02.00.06-Юқори молекуляр бирикмалар

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

**Кимё фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on chemical
sciences**

Пирниязов Қудрат Қадамбаевич Аскорбат хитозан <i>Bombyx mori</i> синтези, хоссалари ва қўлланиши.....	3
Пирниязов Кудрат Кадамбаевич Синтез, свойства и применение аскорбат хитозана <i>Bombyx mori</i>	21
Pirniyazov Kudrat Kadambayevich Synthesis, properties and application of ascorbate chitosan <i>Bombyx mori</i>	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	42

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 02/30.12.2019.К/ФМ/Т.36.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

ПИРНИЯЗОВ ҚУДРАТ ҚАДАМБАЕВИЧ

**АСКОРБАТ ХИТОЗАН *BOMBUX MORI*
СИНТЕЗИ, ХОССАЛАРИ ВА ҚЎЛЛАНИШИ**

02.00.06-Юқори молекуляр бирикмалар

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/K194 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Полимерлар кимёси ва физикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (polchemphys.uz) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Рашидова Сайёра Шарафовна кимё фанлари доктори, профессор, академик
Расмий оппонентлар:	Рафиков Адхам Салимович кимё фанлари доктори, профессор Мухамедиев Мухтаржан Ганиевич кимё фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Биоорганик кимё институти

Диссертация ҳимояси Полимерлар кимёси ва физикаси институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.K/FM/T.36.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «4» сентябрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7^б. Тел: (+99871) 241-85-94; факс: (+99871) 241-26-61, e-mail: polymer@academy.uz).

Диссертация билан Полимерлар кимёси ва физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7^б. Тел: (+99871) 241-85-94).

Диссертация автореферати 2020 йил «20» август куни тарқатилди.
(2020 йил «19» август даги 1 рақамли реестр баённомаси).



 **Н.Р. Ашуров**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси муовини, т.ф.д., профессор.

 **М.М. Усманова**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, к.ф.н., катта илмий ходим.

 **А.А. Саримсоқов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда табиий полимерлар асосида ўсимликларнинг ўсишини жадаллаштирувчи ва замбуруғли касалликларга қарши курашишда экологик хавфсиз бўлган препаратларга эҳтиёж ортмоқда. Бундай препаратлар юқори самарадорликка эга бўлиб, кам миқдорларда ҳам фаол жадаллаштирувчи таъсири туфайли қишлоқ хўжалигида ва ўсимликшуносликда касалликларга қарши комплекс восита сифатида қўлланилади.

Бугунги кунда жаҳонда хитозан ва унинг ҳосилаларини синтез қилиш ва уларнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш ҳамда улар асосида истиқболли препаратлар яратишга бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада хитозанни модификациялаб, сувда эрувчан ҳосилаларини синтез қилиш, тузилиши ва хоссаларини ўрганиш ҳамда унинг асосида ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишида яққол биофаоллик намоён қиладиган, комплекс таъсир қилувчи антимикроб ва иммуннофаоллик хоссаларига эга бўлган экологик хавфсиз, махсус хоссали препаратлар яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда маҳаллий хом ашёлар асосида қишлоқ хўжалиги учун импорт ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган экологик хавфсиз маҳсулотлар яратиш ва амалиётга татбиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, табиий полимерлар ва уларнинг ҳосилалари асосида турли хил қишлоқ хўжалик экинларига ишлов беришда қўлланиладиган маҳсулотлар олишда муҳим натижалар қўлга киритилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «...маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосида ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш» вазифалари белгилаб берилган. Бу борада *Vombux tori* аскорбат хитозанини синтез қилиш ва олиш шароитларини тадқиқ қилиш, унинг тузилиши ва хоссаларини аниқлаш ҳамда қишлоқ хўжалигига қўллашга йўналтирилган илмий-амалий тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони.

қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантиришининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида хитозан ва унинг ҳосилаларини ўрганиш ҳамда уларни қўллаш бўйича илмий изланишлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Чоп этилган нашрларнинг кўпчилиги хитозан ҳосилаларини олиш ва уларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганишга бағишланган. Хитозан ҳосилаларини синтез қилиш усулларини ўрганиш бўйича илмий йўналишни ривожлантиришга M. Riccardo, K. Ogawa, X.L. Tian, Z. Yalinca ва қатор илмий мактаблар катта ҳисса қўшишган. Хитозаннинг органик кислоталар билан ҳосилаларини олиш ва улардан фойдаланиш соҳаларини кенгайтириш бўйича А.И. Гамзаде, В.П. Варламов, Г.Э. Карапетян ва бошқа олимларнинг илмий ишларини таъкидлаб ўтиш зарур.

Республикамизда академик С.Ш.Рашидова ва унинг шогирдлари ўз изланишлари билан хитозан ҳосилаларини синтез қилиш, тузилиш ва хоссаларини аниқлаш ҳамда амалиётга жорий қилишга ўз ҳиссаларини қўшган.

Ушбу изланишларга қадар адабиётларда аскорбат хитозанни суспензион усулда синтез қилиш, тузилиши, реакция кинетик хоссаларини ҳамда қишлоқ хўжалигида ўсимликларнинг ўсишини жадаллаштирувчи хусусиятларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқот ишлари кам олиб борилмаган. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг касалланиш даражаси ва тури ортиб бораётганлиги боис, ушбу йўналишда назарий-амалий тадқиқотларни амалга ошириш ҳамда юқори биологик фаолликка эга бўлган, хитозан ҳосилалари асосида экологик хавфсиз полимер асосли препаратларни яратиш истиқболларини юзага келтиради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Полимерлар кимёси ва физикаси институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ФА-А12-Т-009 «*Bombyx mori* (карбоксиметил-, сульфат-, аскорбат-) хитозанининг ҳосиласи ва наноҳосиласини олиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2012-2014 йй); КА-12-001 «Хитозан ва унинг ҳосилалари металлокомплексларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш, уларнинг қишлоқ хўжалиги экинлари касалликларини олдини олиш ва даволашда ишлатилиши (вилт, илдиз чириши ва монилиооз)» (2015-2017 йй); ПЗ 20170925130 «Хитозан ва унинг ҳосилалари асосида фунгицид, бактерицид ва инсектицид хоссали экологик хавфсиз комплекс препаратлар ишлаб чиқиш» (2018-2019 йй); ОТ-Ф7-01 «Нанополимер системалар: махсус хоссали материалларни яратишда кинетик ва электрон тузилиш асосларининг роли» (2016-2020 йй) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалари

доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аскорбат хитозан *Bombyx mori* синтези, реакция кинетикаси, тузилиши ва биологик фаоллигини аниқлашдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Bombyx mori хитозани билан аскорбин кислотаси таъсирлашишини тадқиқ қилиш ва улар асосида аскорбат хитозан олиш;

аскорбат хитозаннинг ҳосил бўлиш кинетикаси ва структуравий характеристикаларини аниқлаш;

хитозанининг молекуляр характеристикалари ва концентрацияларининг аскорбат хитозан ҳосил бўлиши реакциясига таъсирини тадқиқ қилиш;

аскорбат хитозаннинг электрон тузилишини аниқлаш ва мақбул структурасини моделлаштириш;

аскорбат хитозаннинг биологик фаол хоссаларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти – хитозан, ипак қурти ғумбаги, аскорбин кислотаси, аскорбат хитозан ва унинг асосида олинган биологик фаол препаратлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети – суспензион усулда аскорбин кислотаси ва *Bombyx mori* хитозани асосида аскорбат хитозан олиш жараёнини ўрганиш, аскорбат хитозан ҳосил бўлиш реакцияси кинетикаси ва уларнинг физик-кимёвий хоссаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда элемент анализ, ЯМР-, УБ-, ИҚ-спектроскопияси, рентгеноструктур ва сорбцион анализ, кондуктометрик титрлаш, вискозиметрия ва бошқа физик-кимёвий усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор *Bombyx mori* хитозани ва аскорбин кислотаси асосида сувда эрувчан аскорбат хитозан намуналари синтез қилинган, физик ва физик-кимёвий тадқиқот усуллари ёрдамида кинетик ва структура характеристикалари аниқланган;

аскорбат хитозаннинг хоссалари хитозаннинг молекуляр тузилиши, концентрацияси, реакциянинг рН муҳити, таъсирлашиш вақтига боғлиқлиги аниқланган;

илк бор аскорбат хитозаннинг молекуляр модели HyperChem 8.0 дастури асосида моделлаштирилган;

илк бор аскорбат хитозан олишнинг оптимал шароитлари аниқланган ва унинг қишлоқ хўжалик ўсимликларининг ўсишини жадаллаштирувчи ҳамда патоген замбуруғ ва бактериаларга қарши курашувчи препарат сифатида биологик фаолликга эга эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

суспензион усулда аскорбат хитозан олиш имконини берувчи депротонланган хитозан олишнинг самарали усули ишлаб чиқилган;

сувли эритмада аскорбат хитозани олиш реакциясининг оптимал шароитлари, шунингдек, кинетик ва тузилиш характеристикалари аниқланган;

пленка ҳосил қилувчи, ўсишни жадаллаштирувчи, антимикроблик

хоссаларини намоён қилувчи, экологик хавфсиз, кам токсик аскорбат хитозан намуналарининг қишлоқ хўжалик ўсимликлари уруғларини экишдан олдин ишлов беришда қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Аскорбат хитозан синтези ҳамда уларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш бўйича олиб борилган тажрибалар замонавий физик-кимёвий усуллар ёрдамида олинди. Иш бўйича хулосалар кимёвий жараёнларнинг кинетикаси замонавий назарияларида ишлатиладиган тенгламалардан фойдаланган ҳолда олинган натижалар асосида қилинди. Олинган натижаларнинг тасдиғи сифатида республика ва халқаро илмий конференцияларда муҳокамалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, хитозанни депротонлаш натижасида амин гуруҳларининг аскорбин кислотасининг енол гуруҳлари билан донор-акцептор механизмида бирикиши аниқланган. Хитозаннинг аскорбин кислотаси билан таъсирлашиши натижасида синтез қилинган аскорбат хитозаннинг молекуляр модели HyperChem 8.0 дастури асосида моделлаштирилган. Реакция компонентлари миқдорини бошқариб, реакциянинг тартиби ва тезликлари ҳамда ҳароратга боғлиқлигини ўрганиш асосида реакциянинг фаолланиш энергияси аниқланган. Турли хил боғланиш даражасига эга бўлган сувда эрувчан аскорбат хитозани олиш шароитлари ва физик-кимёвий хоссалари ҳамда структуравий характеристикалари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, маҳаллий хом ашё хитозан ва аскорбин кислотаси асосида пахта ва сабзавот-полиэ ўсимликлари уруғларини экиш олдида қайта ишлашда ўсишни жадаллаштирувчи, фунгицидлик ва бактерицидлик хусусиятларига эга бўлган сувда эрувчан, экологик хавфсиз аскорбат хитозан намуналарини олишдан иборат. Тадқиқот натижаларининг амалий тадқиқи, табиий хомашё ипакчилик саноати чиқиндисини ҳисобланган тут ипак қурти ғумбагидан олинган хитозан ва аскорбин кислотаси асосида синтез қилинган аскорбат хитозан препарати воситасида Жиззах фермерлар уюшмаси тасарруфидаги фермер хўжаликларнинг 120 гектар ер майдонларида тадқиқотлар ўтказилган ҳамда ғўза ва буғдойдан юқори ҳосил олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аскорбат хитозан синтези ва унинг асосида биологик фаол препарат олиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

аскорбат хитозан препарати билан қишлоқ хўжалик экинлари ғўза, буғдой ва соя уруғларини экишдан олдин ишлов беришда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 3 июлдаги № 02/021-2018-сон маълумотномаси). Натижада қишлоқ хўжалик экинларининг бир текисда униб чиқишига, ўсишига, ривожланишига ва юқори ҳосил олишга эришиш ҳамда амалиётга жорий қилиш имконини берган;

аскорбат хитозан препарати “Ўзбекистон-5” ва “Ўзбекистон-6” навли

ипак куртларини ва уларнинг озуқаларини ишлов беришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ипакчилик уюшмасининг 2020 йил 23 июлдаги № 2-1/1449-сон маълумотномаси). Натижада ипак куртининг яшовчанлигини, ҳосилдорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация бўйича олинган асосий натижалар 6 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шу жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 106 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида диссертация долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объектлари ва предметлари белгиланган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш истиқболлари бўйича хулосалар келтирилган.

Диссертациянинг «**Хитозаннинг органик кислоталар билан таъсирлашиши**» номли биринчи бобда хитозаннинг органик кислотали ҳосилаларининг олиниш усуллари, тузилиши, функционал фаоллиги, шунингдек, физик-кимёвий ва структур хоссаларининг синтез шароитлари билан боғлиқлигини ўрганиш борасидаги ва хитозаннинг кислотали ҳосилаларининг турли хил соҳаларда қўлланилишига бағишланган адабиётлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг «**Объектлар ва тадқиқ этиш методлари**» номли иккинчи боби тадқиқот объектлари ва реагентлар тавфифлари ҳақидаги методик қисмдан ҳамда хар-хил моль нисбатларига эга аскорбат хитозан намуналарини синтез қилиш услублари, аскорбат хитозан намуналарининг структураси ва физик-кимёвий кўрсаткичларини тадқиқ қилиш усуллари, *Bombyx mori* аскорбат хитозаннинг биологик хоссаларини аниқлаш усуллари тавсифланган.

Диссертациянинг «**Аскорбат хитозан *Bombyx mori* синтези, тузилиши ва хоссалари**» номли учинчи бобда депротонланган *Bombyx mori* хитозани (ХЗ) намуналарини олиш, депротонланган хитозан ва аскорбин кислотаси (АК) иштирокида аскорбат хитозанини синтезига оид тадқиқот натижалари берилган.

Маълумки, маҳаллий хомашёлар асосида экологик хавфсиз маҳсулотлар ишлаб чиқаришга бўлган эътибор ортиб бормоқда. Шу муносабат билан *Bombyx mori* хитозани асосида янги сувда эрувчан препаратлар олиш ғояси илгари сурилди. Аскорбат хитозанни суспензион усулда олиш истиқболли йўналишлардан ҳисобланади. Ишқорий шароитда суспензион усулда депротонланган хитозан ажратиб олинди ва қуйида келтирилган схемага мувофиқ аскорбин кислотасининг эквимоляр миқдорини қўшиш орқали сувли муҳитда аскорбат хитозан синтези амалга оширилди.



Хитозан аскорбин кислотасининг сувли муҳитида яхши эриши сабабли реакциялар сувда $t=25-50^{\circ}\text{C}$ интервалида амалга оширилган.

Хитозанни аскорбин кислотаси билан таъсирлашиш жараёни дастлабки компонентлар эритмалари концентрацияларини, рН кўрсаткичи, ҳарорат, реакциянинг давомийлиги ва компонентларнинг- ХЗ:АК моль нисбатларини бошқариш орқали амалга оширилди. Реакция учун суспензион чўктириб, ажратиб олинган хитозанни ишлатишнинг моҳияти эркин амин гуруҳларини депротонланган ҳолатга ўтказишдан иборат. Қаттиқ занжирли хитозаннинг дастлабки 0,5 М ишқор эритмаси билан ишлови дастлабки хитозан амин гуруҳларининг депротонланишига олиб келиб, макромолекуладаги гидроксил гуруҳларининг водород боғлари кучсизланишига ва молекулалараро таъсирнинг камайишига сабаб бўлади, бу функционал гуруҳлар бирикишини осонлаштиради. Реакция жараёнида аскорбин кислотасининг хитозан макромолекулалари билан таъсирлашиш жараёни кўп жиҳатдан рН ва температурага ва хитозаннинг деацетилланиш даражасига (ДД) боғлиқ бўлади. Компонентлар моль нисбатлари 2:1 ва рН 4-6,8, $t=25-50^{\circ}\text{C}$, реакция давомийлиги 30 мин. бўлган шароитда реакция олиб борилганида таркибида аскорбин кислотаси миқдори ўртача 25% гача бўлган сувда эрувчан намуналар олинди. Реакция ҳароратининг 70°C дан оширилганида аскорбат хитозан молекуласининг деструкцияси юз бериши сабабли аскорбат хитозан ҳосил бўлиш реакциясини амалга ошириш қийин кечди. АХЗ намуналари таркибида хитозан миқдори ортиши билан (ХЗ:АК 3:1, 4:1, 5:1, 6:1, 8:1) намуналарнинг сувда эрувчанлиги камайиб бориши кузатилди.


АХЗ ҳосил бўлганлигининг далили, элемент таҳлили маълумотларида

акс этди. Аскорбат хитозан ҳосил бўлиш реакциясидан кейин полимернинг умумий азот миқдори камайганлиги ўринли ҳисобланади, зеро дастлабки хитозанда азот миқдори 7,80 % бўлса, дастлабки компонентлар моль нисбати 2:1 бўлганида олинган аскорбат хитозан таркибида азот миқдори ўртача 4,16% ни ташкил этди.

Қайд қилиш мумкинки, аскорбат хитозан сувда яхши эрувчан бўлиб, аини ҳолда дастлабки хитозан сувда эриш хусусиятига эга эмас. Бу ҳолат гидрофил бўлган енол гуруҳларнинг бирикиши натижасида юзага келиб, АХЗ ҳосил бўлганлиги ҳақидаги фикрни яна бир бор тасдиқлади.


ХЗ ва АХЗ молекуляр тузилишидаги фарқ ИҚ-спектроскопия усули ёрдамида баҳоланди. Хитозан ИҚ- спектрида 1670-1600 cm^{-1} амид-I ва амид-II функционал гуруҳларига хос бўлган ютилишлар кузатилди. Шу билан бирга 1320, 1270, 1140 cm^{-1} соҳасидаги ютилишлар аскорбин кислотанинг C_3 -, C_2 -, C_5 -гидроксил гуруҳлари учун характерли.

Олинган аскорбат хитозан ИҚ-спектрида хитозан ва аскорбин кислотаси спектрларидаги ютилишларидан фарқли ютилишлар кузатилди (1-расм). $\text{C}=\text{O}$, $\text{C}=\text{C}$ боғланишларига таълуқли 1720 ва 1600 cm^{-1} ютилишларнинг қисқа тўлқинли соҳага силжишига оид бир қатор фарқлар аниқланди. Хитозан учун хос бўлган ютилишлар 1400-900 cm^{-1} диапазонида намоён бўлди. Ацетамид ва амин гуруҳлари учун хос ютилишларнинг 1660 cm^{-1} дан 1550 cm^{-1} соҳасида силжишлари кузатилди. Аскорбат хитозан ИҚ-спектрида дастлабки компонентлар - хитозан ва аскорбин кислотаси ИҚ спектрларига нисбатан кузатилган характеристик ютилиш интенсивлиги ўзгаришлари ва ютилишлар силжишлари хитозаннинг сувда эрувчан ҳосиласи –аскорбат хитозан ҳосил бўлишидан далолат беради (1-расм).



1-расм. *Bombux mori* аскорбат хитозани (а) ва *Bombux mori* хитозани (б), аскорбин кислотаси (в) ИҚ –спектрлари

Аскорбат хитозаннинг рентгенструктуравий тадқиқотлари олиб борилиши натижасида хитозаннинг аскорбин кислотаси билан таъсирлашиши сабабли устмолекуляр структура ўзгариши аниқланди (2-расм).



2θ

2-расм. *Bombyx mori* аскорбат хитозан (1), аскорбин кислотаси (2), *Bombyx mori* хитозани (3) дифрактограммаси

Олинган аскорбат хитозаннинг рентгенограммасида $2\Theta=10,3; 20,0; 23,3; 30^{\circ}$, диапазонда хитозаннинг ацетамид ва амин гуруҳларининг кристалл участкаларига ҳос рефлексларининг камайиши кузатилди. Рентгеноструктур тадқиқотлар аскорбат хитозан ҳосил бўлишида хитозан амин гуруҳларининг аскорбин кислотасининг енол гуруҳлари билан таъсирлашиши натижасида намунанинг устмолекуляр тузулиши ўзгаришини тасдиқлайди. Дастлабки компонентлар – хитозан ва аскорбин кислотаси рентгеноструктур тадқиқотлар натижаларига нисбатан АХЗ характеристик рефлекслар интенсивлигининг ўзгаришлари сувда эрувчан хитозан ҳосиласи ҳосил бўлганидан далолат беради.

Компонентлар ХЗ:АК турли нисбатларида реакция олиб борилди. ХЗ/АК 4:1 нисбатда олинган АХЗ намуналари таркибида аскорбин кислотанинг боғланиш даражаси (БД) энг катта қийматга эга бўлиб, мазкур кўрсаткич 83,3% га қадар етиши аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

ХЗ нинг АК билан боғланиш даражасининг ХЗ:АК нисбатига боғлиқлиги,
 $t=50^{\circ}\text{C}$, $\tau=1$ соат

(ХЗ:АК) Моль нисбати	$(M_{\text{АК}})_{\text{наз.}}, \%$	$(M_{\text{АК}})_{\text{амал.}}, \%$	$\frac{(M_{\text{АК}})_{\text{наз.}}}{(M_{\text{АК}})_{\text{амал.}}}$	Унум, %
2:1	35,3	20,8	58,0	60,0
3:1	19,1	12	63,0	62,6
4:1	15,0	12,5	83,3	92,4
5:1	12,4	9,3	75,0	89,5
6:1	10,6	8,9	83,9	87,0
8:1	8,15	6,55	80,4	89,2

Олинган натижалардан кўринадикки, реакция системада аскорбин кислотанинг моль нисбати ортиши билан, мувофиқ равишда аскорбат хитозан таркибида аскорбин кислотаси миқдори ортиши кузатилди. Компонентлар моль нисбатлари 4:1 нисбатдан ортиши билан аскорбин кислотасининг хитозанга боғланиш даражаси ва олинган реакция маҳсулоти унуми сезиларсиз ўзгариши аниқланди. Демак, аскорбин кислотасининг хитозан билан максимал боғланиш даражаси компонентлар ХЗ:АК 4:1 бўлганида юз беради ва оптимал нисбат ҳисобланади. Бу хитозаннинг амин гуруҳлари ва аскорбин кислотанинг максимал боғланиши юз беришидан далолат беради.

АХЗ намуналарини олиш реакцияси кинетикаси функционал гуруҳларнинг электрон ўтишларига асосланган УБ- спектроскопияси методидан фойдаланилган ҳолда аниқланди (2-жадвал).

Аскорбат хитозан ҳосил бўлишида хитозаннинг амин гуруҳлари билан аскорбин кислотанинг енол гуруҳлари таъсирлашуви юз беради. Бу эритма концентрациясига тўғри пропорционал бўлган оптик зичликнинг ўзгаришига олиб келади. Реакция давомида ютилиш интенсивлиги ўзгаришини ўлчаш орқали аскорбат хитозан ҳосил бўлиш реакциясининг тезлик константаси ва реакция тезликлари аниқланди. Аскорбат хитозан ҳосил бўлиш реакциясининг тезлик константаси қиймати эритманинг оптик зичлик логарифми билан вақт орасидаги боғлиқлик графигининг тангенс бурчагини аниқлаш орқали ҳисоблаб топилди (2-жадвал).

2-жадвал

Аскорбат хитозан ҳосил бўлиш реакциясининг кинетик катталиклари

№*	Реакцион система оптик зичлиги $D=\epsilon \cdot C \cdot l$ (λ max)	Реакция вақти τ , сек	Реакция тезлиги v , моль/л·с	Реакция тезлик константаси, $K=1,0 \cdot 10^{-4}$
1.	3,170	0	—	
2.	3,110	50	$1,40 \cdot 10^{-3}$	
3.	3,037	100	$1,30 \cdot 10^{-3}$	
4.	3,030	150	$9,30 \cdot 10^{-4}$	
5.	2,979	200	$9,50 \cdot 10^{-4}$	
6.	2,960	250	$8,40 \cdot 10^{-4}$	
7.	2,970	300	$6,70 \cdot 10^{-4}$	

№*- УБ - спектрометридаги ўлчашлар сони

Жадвалдан кўришиб турибдики, реакция давомийлиги ортиши билан аскорбин кислотанинг боғланиш даражаси тезлиги камайиб боради, бу вақт ўтган сайин таъсирлашаётган дастлабки компонентларнинг функционал гуруҳлар миқдорининг нисбатан камайиб бориши билан изоҳланиши мумкин. Аскорбат хитозан ҳосил бўлиш реакцияси тезлик константаси $K=1,0 \cdot 10^{-4}$ га тенглиги аниқланди.

Турли миқдордаги аскорбин кислотаси сақлаган АХЗ намуналарини олиш имконияти ҳарорат ўзгариши билан бевосита боғлиқ бўлади, шунингдек, реакция температураси ортиши билан аскорбат хитозан ҳосил бўлиш реакциясининг унуми ортиб боради.

Ҳароратнинг ортиши натижасида АК нинг намуналар таркибидаги БД 55 % дан 77% гача ортиши қайд этилди (3-жадвал).

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, реакциянинг ҳарорати ортиши билан аскорбат хитозан таркибида аскорбин кислота миқдорининг (11,2 % дан 15,4% гача) ортиши ва хитозаннинг аскорбин кислотаси билан боғланиш даражасининг ортиши кузатилди. Шу билан бирга аскорбат хитозан ҳосил бўлиш реакция тезлигининг $2,01 \cdot 10^{-5}$ дан $2,83 \cdot 10^{-5}$ гача ортиб бориши аниқланди. Аскорбат хитозан таркибида аскорбин кислотаси миқдори ортиши билан умумий азот миқдори камайиб бориши температуранинг таъсирини кўрсатади. Бироқ ҳароратнинг 55°C дан ортиши билан аскорбин

кислота миқдорининг ортиши юз бермаслиги, ушбу реакция ҳароратида юқори мувозанат константасига эришилганлигидан далолат беради.

3-жадвал

Хитозаннинг аскорбин кислотаси билан боғланиш даражасининг ҳароратга боғлиқлиги. ХЗ:АК моль нисбати (4:1), $\tau=15$ мин., конц. $[АК]=0,03$ мол/л

$T, ^\circ C$	$N_{об}, \%$	АК ҳисобланган концентрацияси, С%	АК экспериментал концентрацияси, С%	Боғланиш даражаси, %	K_p	Реакция тезлиги $\cdot 10^{-5}$ моль/л.с.
25	3,95	20,0	11,2	55,0	1,04	2,01
35	3,77	20,0	14,0	70,0	3,20	2,56
45	3,74	20,0	15,1	75,5	5,08	2,77
55	3,71	20,0	15,4	77,0	5,80	2,83
65	3,75	20,0	14,6	73,3	4,20	2,72

Аскорбат хитозан ҳосил бўлиш реакцияси фаолланиш энергияси 13,38 кДж/моль га тенглиги аниқланди. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, аскорбат хитозан ҳосил бўлиш реакциясида $55^\circ C$ ҳароратда энг юқори мувозанат константасига эришилади, ҳароратнинг кейинги ортиши реакциянинг унуми ва мувозанат константасининг камайишига олиб келди.

Реакция вақтининг *Bombux mori* хитозаниниг аскорбин кислотаси билан тасирлашиш жараёнига боғлиқлигини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ХЗ:АК нинг доимий моль нисбати (2:1) ва ҳарорат $25^\circ C$ бўлган шароитда олиб борилди. Намуна таркибидаги аскорбин кислотаси миқдори $(M_{АК})_{амал.}$ йодометрик титрлаш методи орқали аниқланди. Тадқиқот натижалари назарий ҳисоблашлар билан таққосланди ва хитозаннинг аскорбин кислотаси билан боғланиш даражаси $(M_{АК})_{амалий.}/(M_{АК})_{назарий.}$ нисбатига асосан баҳоланди (4-жадвал).


4-жадвал

Аскорбин кислотаси боғланиш даражасининг реакция вақтига боғлиқлиги. ХЗ:АК моль нисбати (2:1), $t=25^\circ C$, конц. $[АК]=0,03$ мол/л

$\tau, \text{мин}$	pH^*	$(M_{АК})_{амал.}, \%$	$(M_{АК})_{наза.}, \%$	$(M_{АК})_{амал.}/(M_{АК})_{наза.}$	$(v)_{моль / л. с.}$	$lgKc$
20	5,10	22,00	35,34	0,62	$4.1 \cdot 10^{-5}$	1,18
30	5,25	23,30	35,34	0,66	$2.9 \cdot 10^{-5}$	1,29
40	5,42	25,20	35,34	0,71	$2.4 \cdot 10^{-5}$	1,53
60	5,51	27,20	35,34	0,77	$1.7 \cdot 10^{-5}$	1,83

Реакция компонентларининг мувозанат концентрациялари қийматлари асосида АХЗ ҳосил бўлиш реакциясининг константаси ҳисобланди.

АХЗ ҳосил бўлиш реакциясини тавсифловчи муҳим фактлардан бири, компонентларни эритмада аралаштириш давомида рН кўрсаткичининг ошиши юз беришидир. Реакция куйидаги схема асосида амалга ошади:




таъсирлашишнинг ифодаланган стехиометрик реакцияси асосида концентрацион мувозанат константасини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$K = [XЗ \cdot АК]_{\infty} / [XЗ]_{\infty} \cdot [АК]_{\infty}$$

4- жадвалда келтирилган натижалардан кўриниб турибдики, реакция вақтининг 20–60 минут вақт интервалида ортиши билан олинган АХЗ намуналаридаги аскорбин кислотаси миқдори 22-27 % ораликда ортди. Олинган натижалардан маълумки, реакция вақти ортиши билан эритманинг рН кўрсаткичи 5,5 га қадар, аскорбин кислотанинг боғланиш даражаси ва маҳсулот унуми ортиши кузатилди.

ХЗ нинг АК билан таъсирлашиш реакциясининг ўртача тезлиги $v = 2,78 \cdot 10^{-5}$ моль/л.с. га тенглиги аниқланди. Олинган натижалар АХЗ таркибида аскорбин кислотаси миқдори ортиши билан АХЗ ҳосил бўлиш реакцияси константаси ортиб боришини тасдиқлади. Эритманинг рН кўрсаткичи ортиши аскорбин кислотанинг хитозан билан таъсирлашиши билан боғлиқ.

Маълумки, сирка кислотаси (СК) ва аскорбин кислотаси кучсиз электролит ҳисобланади ва сувли эритмада бутунлай диссоциацияга учрамайди ($pK_{[АК]} = 7,94 \cdot 10^{-5}$, $pK_{[СК]} = 1,74 \cdot 10^{-5}$). Шу боисдан хитозаннинг аскорбин кислотаси билан аралашмаси NaOH билан титрланганида фақат эркин амин гуруҳларининг титрланиши содир бўлади. Бу далиллар аскорбат хитозанга нисбатан хитозаннинг аскорбин кислотаси эритмасида эритилганида мустақкам кимёвий боғлар ҳосил бўлмаслигини тасдиқлайди. АХЗ намуналарининг сувли эритмалардаги барқарорлиги ўрганилди (3-расм).



3-расм. Намуналар эритмаларини кондуктометрик титрлаш эгрилари:


1- ХЗ; 2- ХЗ:АК (3:1) (БД 63% С%-АК=12%)+ 0,1 Н НСІ; 3-ХЗ:АК (4:1) (БД 83,3 % С%-АК=12,5%)+ 0,1 Н НСІ; 4-ХЗ:АК (6:1) (БД 83% С%-АК=8,9 %)+ 0,1 Н НСІ.

Дастлабки хитозан эритмасининг кондуктометрик тадқиқотларидан кўринадики, титрлаш эгрилари учта зонага бўлинади, яъни: хлорид кислота, хитозаннинг амин гуруҳлари, ортиқча NaOH ишқори титрланади. Амин гуруҳларини титрлаш учун сарфланган ишқор ҳажми хитозанга нисбатан кам бўлиб, $\Delta V = 1,3$ мл ни (2, 3–кондуктометрик эгрилар) ташкил қилди. Аскорбат хитозан компонентлар нисбати ХЗ:АК=6:1 (4–эгри) бўлган намуна эритмасини титрлаш учун ўртача $\Delta V_3 = 1,4$ мл ишқор сарфланди. Аскорбат хитозан таркибида аскорбин кислотаси миқдорининг ортиши билан

амин гуруҳларини титрлаш учун сарфланадиган ишкор миқдорининг сезиларли камайиб бориши ва титрлаш диапазони нисбатан ўнга силжиши кузатилди.


Демак, сувли эритмада аскорбин кислотаси ва хитозан донор-акцептор боғлари воситасида таъсирлашиши аниқланди.

Хитозан ва аскорбат хитозан полимер занжирлари тузилишидаги фарқ уларнинг келтирилган қовушқоқлик қийматларида ҳам намоён бўлди. Хитозаннинг ва у асосида олинган Хитозан ва АХЗ намуналари эритмаларининг полиэлектрولитик эффеќтини аниқлаш маќсадида вискозиметрик тажрибалар 2% ли CH_3COOH эритувчисида олиб борилди. АХЗ намуналари таркибида аскорбин кислотаси миқдори ортиб бориши билан келтирилган қовушқоқлик катталиги камайиб бориши ва полиэлектрولитик хоссани намоён қилмаслиги аниқланди. Олинган натижалар 4-расмда келтирилди.



4-расм. Намуналарнинг келтирилган қовушқоқликлари: 1- ХЗ; 2- ХЗ:АК (8:1); 3-ХЗ:АК (6:1); 4-ХЗ:АК (5:1); 5-ХЗ:АК (4:1); 6-ХЗ:АК (3:1).

Олинган АХЗ намуналари сорбцион фаолликларининг дастлабки компонентлар моль нисбатларига боғлиқлиги ўрганилди. ХЗ ва АХЗ намуналарининг сорбцион тадқиќотлари симобли йўлаклар ва кварц юклари бўлган Мак-Бэн юқори вакуумли қурилмасида 298 К ва ҳавонинг қолдиқ босими 10^{-3} - 10^{-4} Па бўлган шароитда олиб борилди. Тадқиќотлар 25⁰С ва нисбий намлик (10-100%) бўлган оралиќда олиб борилди (5-расм).




5-расм. Сув буғлари сорбциясининг боғлиқлиги: 1– аскорбин кислотаси; 2– хитозан; 3–АХЗ (ХЗ:АК 3:1); 4– АХЗ (ХЗ:АК 2:1); 5– АХЗ (ХЗ:АК 1:1).

Олинган натижалардан кўринадики, нисбий намликнинг қуйи


кўрсаткичларида ХЗ ва АК сув буғлари ютилишида камроқ мойилликка эга ва нисбатан кам фарқ қилди.

Аскорбин кислотасининг моль улуши ортиши билан аскорбат хитозаннинг сорбцион хусусиятлари ортиб бориши аниқланди, хитозан миқдори ортиши билан эса, намуналарнинг ғовак структураси радиуси ва ҳажми ўзгариши билан изоҳланиши мумкин бўлган сорбцион ютиш фаоллиги камайиши кузатилди. Бу хусусият 2:1, 1:1 нисбатли намуналарда сувда эрувчанлик хоссаси намоён бўлишини тавфсифлайди.

^{13}C ЯМР-спектрларида хитозаннинг мономер звеносидаги глюкозид халқасида жойлашган С-1 атомларининг тебранишлари 102-101 м.у., диапазонида кузатилди. Шунингдек, 70-76 м.у., диапазонида С-3, С-4, С-5; атомлари учун хос бўлган пиклар, 60 м.у. – соҳасида С-6 атомига мувофиқ келувчи тебранишлар сигналлари кузатилди. 56,3 м.у., соҳасида С-2 амин гуруҳларини тавфсифловчи пиклар намоён бўлди. Хитозаннинг ^{13}C ЯМР-спектрида эритувчи таркибидаги сирка кислотанинг карбоксил гуруҳларини характерловчи кимёвий силжишлар 178,53 м.у. соҳада, шунингдек, хитозан таркибида 25 % ни ташкил қилган ацетамид гуруҳларига мувофиқ сигналлар 175 м.у., соҳасида кузатилди. Аскорбат хитозан спектрида шунингдек, аскорбин кислотанинг енол гуруҳлари ва хитозаннинг амин гуруҳлари билан донор-акцептор боғлар орқали боғланишидан далолат берувчи янги сигналлар 174 дан 176 м.у. гача бўлган соҳада кузатилди (6, 7-расм).



6-расм. Хитозаннинг ^{13}C – ЯМР - спектри.




7-расм. Аскорбат хитозаннинг ^{13}C – ЯМР - спектри.

56,2 дан 57,5 м.у. интервалда хитозаннинг С-2 амин гуруҳлари учун хос ютилишлар ва 61,4 м.у. ва 63,9 м.у., соҳаларида аскорбин кислотанинг С-6 атомига хос пик мавжудлиги тасдиқланди. Шунингдек, 71, 72,6 ва 75,9, 76,3, 79 м.у., диапазонларидаги пиклар хитозан пираноза халқаларининг С4, С5 ва С3 углерод атомларига ва аскорбин кислотаси молекуласига мувофиқ

ютилишлар аниқланди.

Намуналарнинг УБ–спектроскопик тадқиқотлари натижалари 206, 238 ва 299 нм бўлган соҳаларда бир қатор ютилиш пиклари мавжудлигини кўрсатди (8-расм). Қайд қилиш керакки, аскорбин кислотанинг сувли эритмасида 250-265 нм диапазонида характеристик ютилишлар кузатилади. Хитозаннинг аскорбин кислотаси билан таъсирлашиши натижасида ютилиш спектрларининг силжишлари кузатилди ва хитозаннинг амин гуруҳлари аскорбин кислотанинг енол -С-О⁻ гуруҳлари билан таъсирлашишини ҳамда донор-акцептор боғлар ҳосил бўлишини тавфсифлайди.



8-расм. Хитозан (а), аскорбин кислота (б), АХЗ (1:1) (в) ва АХЗ (2:1) (г) УБ-ютилиш спектрлари.

Демак, ЯМР-, ИҚ-, УБ-спектроскопияси методлари реакция натижасида аскорбат хитозан, хитозаннинг амин гуруҳлари ва аскорбин кислотасининг енол гуруҳлари иштирокида донор-акцептор механизмида боғлар шаклланишини тасдиқлайди.

Сувда эрувчан аскорбат хитозаннинг С-6524 навли ғўза уруғларига ўсишни жадаллаштирувчи таъсири аниқланди. Уруғларнинг ўсиш сифати амалдаги стандартлар асосида аниқланди. Тажрибалар лаборатория ва дала шароитларида Пахта селекцияси уруғчилиги селекцияси ва уни етиштириш агротехнологияси илмий тадқиқот институти ҳамда Полимерлар кимёси ва физикаси институти (ПКФИ) тасарруфида амалга оширилди.

Маълумки, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ўсимликлари замбуруғли ва бактерияли касалликларни даволашда ва профилактикасида нархи қиммат бўлган импорт ҳисобига олиб келинадиган препаратлар (Далброн, Зирх ва б.), қўлланилиб келинмоқда, уларни маҳаллий хомашёлардан олинган хитозан асосидаги ҳосилалар билан алмаштириш мумкин².

Сувда эрувчан аскорбат хитозан намуналарини ғўзанинг С-6524 уруғларига кўрсатадиган жадаллаштирувчи таъсири ўрганилди. АХЗ эритмалари билан капсуллаб экилган ғўза уруғлари ривожланиши ўсув қуввати ва унувчанлиги аниқланди. Олинган натижалар 5-жадвалда

² Акиншина Н.Г., Рашидова Д.К., Азизов А.А. Капсулирование семян препаратами хитозана и его производными, восстанавливающими фотосинтез у растений хлопчатника (*Gossypium*L., 1753) на фоне вилта// Сельскохозяйственная биология. –2016. –том 51, № 5, –С. 696-704.

келтирилди.

5-жадвал

Ѓўза уруғларининг ўсиш ва ривожланишига аскорбат хитозаннинг жадаллаштирувчи таъсири

№	Намуналар	Ўсув қуввати, %				Δ ўр.	Унувчанлик, %
		I	II	III	IV		
1.	Назорат	90,1	81,0	88,0	93,0	88,0	88,0
2.	ХЗ 0,5%	99,0	96,0	83,0	90,0	92,0	92,0
3.	АХЗ (ХЗ:АК 4:1) 0,5%	96,0	95,0	97,0	96,0	96,3	96,0
4.	АХЗ (ХЗ:АК 2:1) 0,5%	95,0	96,0	96,0	98,0	96,0	96,0
5.	АХЗ (ХЗ:АК 1:1) 0,5%	95,0	97,0	98,0	91,0	95,2	95,0
6.	АХЗ (ХЗ:АК 1:2) 0,5 %	89,0	85,0	92,0	88,0	88,5	89,0

Олинган натижалардан кўринадикки, моль нисбатлари 4:1 бўлган аскорбат хитозаннинг 0,5%-ли эритмалари билан ишлов берилган уруғларнинг ўсув қуввати ва унувчанлик даражаси назоратга нисбатан ўртача 8 % га ортиши кузатилди.

Полимерлар кимёси ва физикаси институти лаборатория шароитида гоммоз ва илдиз чириш касаллигини келтириб чиқарувчи *Xanthomonas campestris pv. Malvacearum*, замбуруғли касалликлар келтириб чиқарувчи *Fusarium oxysporium pv* соф культураларига нисбатан аскорбат хитозаннинг самарали таъсири аниқланди. Тажрибалар 4 қайтариқда 25°C да ва 48 соат вақт интервалида амалга оширилди (6-жадвал).

6-жадвал

Бактериялар *Xanthomonas campestris pv. Malvacearum* соф культураларига нисбатан намуналарнинг таъсири (ПКФИ)

№	Намуналар	Намуналарнинг таъсир зонаси, мм				Ўртача
		I	II	III	IV	
1.	Далброн	20	21	22	16	19,8
2.	ЗИРХ (эталон)	27	26	25	26	26,0
3.	ХЗ даст. 0,5%	17	15	18	18	17,0
4.	АК даст. 0,5%	10	12	10	10	10,5
5.	АХЗ (4:1)	26	28	26	30	29,6

Олинган маълумотлар компонентлар нисбати 4:1 бўлган аскорбат хитозан нумуналарининг дастлабки компонентлар хитозан ва аскорбин кислотаси эритмаларига нисбатан юқори самарага эга бўлиши билан бирга эталонга нисбатан ўртача 30 % га яхши самарага эгаллигини тасдиқлайди.

Шундай қилиб, аскорбат хитозан намуналарининг жадаллаштирувчи ва антимикроблик хусусиятларига оид тадқиқотлар келтирилган ҳосиладан фойдаланилганида ғўза ўсимлиги уруғларининг ўсиш ва ривожланиши ортади ва бу аскорбат хитозанни уруғчиликда қўллаш имконини беради.

ХУЛОСА

«Аскорбат хитозан *Bombyx mori* синтези, хоссалари ва қўлланиши» мавзусида фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Илк бор суспензион усул ёрдамида эритма концентрацияси, компонентлар ХЗ:АК моль нисбатлари, температура ва реакция вақтини бошқариш орқали *Bombyx mori* хитозани ва аскорбин кислотаси асосида сувда эрувчан аскорбат хитозани синтез қилинди. Аскорбат хитозан ҳосил бўлишида компонентлар ХЗ:АК нисбатлари 4:1 бўлганида аскорбин кислотанинг боғланиш даражаси 83,3 % га тенг бўлиши аниқланди.

2. Физик-кимёвий тадқиқотлар ва ўтказилган квант-кимёвий ҳисоблашлар натижалари *Bombyx mori* хитозани ва аскорбин кислотаси эритмада таъсирлашиши таҳлил қилинди. ЯМР-, ИҚ-, УБ- спектроскопияси методлари ёрдамида хитозаннинг амин гуруҳлари ва аскорбин кислотанинг енол гуруҳлари ҳисобига донор-акцептор механизми асосида аскорбат хитозан ҳосил бўлиши асосланди.

3. Хитозаннинг деацетилланиш даражаси (ДАД) ортиши билан (ДАД 70% дан 85% гача) 50 °С ва рН =6,5 бўлганида аскорбин кислотанинг боғланиш даражаси (БД 60 % дан 83% гача) ортиб бориши кузатилди. Реакция ҳароратининг 55 °С дан ортиши билан хитозаннинг аскорбин кислотаси билан боғланиш даражаси камайиши аниқланди. Олинган натижалар шундан далолат берадики, аскорбат хитозан ҳосил бўлиш реакциясида 55 °С ҳароратда энг юқори мувозанат константасига эришилади, ҳароратининг кейинги ортиши реакциянинг унуми ва мувозанат константасининг камайишига олиб келади.

4. *Bombyx mori* аскорбат хитозани ҳосил бўлиш реакцияси муҳим кинетик хусусиятлари, реакция тезликлари ва константаси тадқиқ қилинди. Реакция вақтининг ортиши билан реакция тезлигининг $1,4 \cdot 10^{-3}$ дан $9,5 \cdot 10^{-4}$ моль/л·с. гача камайиши кузатилди, шунингдек реакциянинг тезлик константаси $K=1,0 \cdot 10^{-4}$ га тенглиги, хитозан ҳамда аскорбин кислоталар концентрациялари бўйича реакциянинг тартиби мос равишда 0,8 ва 1,5 га, реакциянинг фаолланиш энергияси 13,38 кДж/моль га мувофиқ келиши аниқланди.

5. Олинган АХЗ намуналари ғўза ўсимликларида касаллик чақирувчи *Xanthomonas campestris* pv. *Malvacearum* бактерияларига қарши ижобий таъсир кўрсатиши ва шунингдек, қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган андоза препаратларга нисбатан ҳам 5% га самаралироқ таъсирга эгаллиги аниқланди. Аскорбат хитозан ғўза ва сабзаёт-полиэкинлари ўсиш ва ривожланишини назорат қайтариғига нисбатан 10 – 15 % га ошириши тасдиқланди. Аскорбат хитозанни қўллаш натижасида ишлов берилмаган уруғларга нисбатан илдиз чириш касаллигининг 4-5 марта камайганлиги аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.К/ФМ/Т.36.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ИНСТИТУТЕ ХИМИИ И ФИЗИКИ ПОЛИМЕРОВ**

ИНСТИТУТ ХИМИИ И ФИЗИКИ ПОЛИМЕРОВ

ПИРНИЯЗОВ КУДРАТ КАДАМБАЕВИЧ

**СИНТЕЗ, СВОЙСТВА И ПРИМЕНЕНИЕ АСКОРБАТ ХИТОЗАНА
*BOMBUX MORI***

02.00.06 – Высокомолекулярные соединения

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКАМ НАУКАМ**

Ташкент-2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.2.PhD/K194.

Диссертация выполнена в Институте химии и физики полимеров
Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (polchemphys.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель:	Рашидова Сайёра Шарафовна доктор химических наук, профессор, академик
Официальные оппоненты:	Рафиков Адхам Салимович доктор химических наук, профессор Мухамедиев Мухтаржан Ганиевич доктор химических наук, профессор
Ведущая организация:	Институт биоорганической химии

Защита диссертации состоится « 4 » сентября 2020 г. в 10.00 часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.K/FM/T.36.01 при Институте химии и физики полимеров по адресу: 100128, г. Ташкент, ул. Абдулла Кадыри, 7^б. Тел. (99871) 241-85-94; факс: (99871) 241-26-61, e-mail: polymer@academy.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института химии и физики полимеров за № 14 (Адрес: 100128, г. Ташкент, ул. Абдулла Кадыри 7^б, Тел. (99871) 241-85-94)

Автореферат диссертации разослан « 20 » августа 2020 года.
(протокол рассылки № 1 от 19 августа 2020 года).

Н.Р. Ашуров

Заместитель председателя
научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

М.М. Усманова

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
к.х.н., старший научный сотрудник

А.А. Сарымсаков

Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире увеличивается потребность на экологически безопасные препараты, полученных на основе природных полимеров, которые ускоряют рост растений и являются эффективными в борьбе с грибковыми заболеваниями. Такие препараты являются высокоэффективными в малых концентрациях и используются в сельском хозяйстве и растениеводстве в качестве комплексного средства против болезней, благодаря их активному ускоряющему действию.

На сегодняшний день в мире проводятся исследования по синтезу хитозана и его производных и изучению их физико-химических свойств, а также созданию перспективных препаратов на их основе. В этом направлении важным является синтез водорастворимых производных хитозана путем модификации, изучение их структуры и свойства, а также создание экологически безопасных препаратов со специальными свойствами на их основе, обладающих антимикробными и иммуноактивными комплексными свойствами, проявляющих биологическую активность в росте и развитии растений.

В Республике особое внимание уделяется разработке и внедрению импортозамещающей и экспортоориентированной экологически безопасной продукции для сельского хозяйства на основе местного сырья. В частности, были достигнуты значительные результаты в производстве продукции на основе природных полимеров и их производных, используемых при обработке различных сельскохозяйственных культур. В Стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹ намечены задачи по «...производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов, разработка принципиально новых продуктов и технологий, обеспечивающих тем самым конкурентоспособность отечественных товаров на внутреннем и внешнем рынках». В связи с этим, большое значение приобретают научно-практические исследования, направленные на изучение условий синтеза и производства аскорбата хитозана *Bombyx mori*, определение его структуры и свойств, а также его применение в сельском хозяйстве.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, поставленных Указом Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и Постановлениями Президента Республики Узбекистан №ПП-3246 от 29 августа 2017 года «О мерах по совершенствованию экспортно-импортной деятельности организаций химической промышленности», №ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по усиленному развитию химической промышленности в

¹Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Республике Узбекистан» а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологии в Республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий в республике: VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. Во многих странах мира активно развиваются научные работы по изучению и применению хитозана и его производных. Значительное количество публикаций посвящено получению производных хитозана и изучению их физико-химических свойств. В развитии научного направления по изучению методов синтеза производных хитозана значительная заслуга принадлежит М. Riccardo, К. Ogawa, X.L. Tian, Z.Yalinca и немаловажный вклад внесен также многими другими школами. В области получения и использования производных хитозана с органическими кислотами необходимо отметить проводимые научные исследования А.И. Гамзадае, В.П. Варламов, Г.Э. Карапетян и др. В нашей республике академик С.Ш. Рашидова и ее ученики внесли свой весомый вклад своими исследованиями по синтезу, определению структуры и свойств производных хитозана и их внедрение на практике.

До настоящей работы в литературе имеются мало исследований по синтезу аскорбата хитозана суспензионным методом, определению его структуры, кинетических свойств и влияние на рост и развитие растений в сельском хозяйстве. В настоящее время, резкое увеличение уровня и разновидностей заболеваний растений в сельском хозяйстве обуславливают проведения теоретико-практических исследований в этом направлении и это создает перспективу получения экологически безопасных полимерного препаратов на основе производных хитозана с высокой биологической активностью.

